



Ислом Нури

2465 марта кўрилган

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

«Тонгга касам; (Зул-ҳижжа ойидаги аввалги) ўн кечага касам»

(Вал-Ғажр: 1, 2)

Аллоҳ Таолога ҳамду санолар ва У Буюк Зотнинг Расули хазрати Мухаммад ва у кишининг аҳли байт, саҳобалари ва уларнинг тобиийнларига дурудду салавотлар бўлсин!

Эрта тонг – субхидам барча хайрлик ишлар, покиза ҳаёт ва галаба рамзидир. У ҳақиқат ва адолат белгиси бўлгани каби жидди-жаҳд ва навкиронлик аломати ҳамдир. Тонг вақти энг осуда вақтдир. Унда мусаффо лаҳзалар ва ризки-рўз таксим этиладиган соатлар мавжуддир. Ундаги ғажр (бомдод) намози эса, шу пайтда иссиқ ўринни тарк этиш нафсга огир, машаккатли иш бўлгани боис у иймоннинг куввати ва мунофиқликдан покликка далилдир. Шунинг учун ҳам, Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Мунофиқларга энг огир келадиган намоз хуфтон ва бомдод намозидир. Улар бу иккисидаги (мавжуд) нарса (кўп ажру-савоб) ни билишганида эди, бу икки (намоз)га эмаклаб бўлса ҳам, келган бўлардилар...»**

Тонгдаги майин сабо

Доктор Абдулхамид Дайёб айтади: «Инсоннинг тонг – сахар чоги уйғониб, ўрнидан туришида унинг соғлиги учун жуда кўп фойдалар мавжуддир. Улардан бири тонг пайтида ҳаводаги “Озон (O³)гази” олий



Ислом Нури

даражада жамланган бўлишидир. Бу газ аста-секин камайиб, офтоб чиккач батамом кўтарилиб кетади. Бу газ эса, инсон асабини тинчлантириб, фикрлаш қобилиятини оширишда кўп фойдалидир. Чунки, инсон тонг пайтидаги чиройли эсган, майин "Сабо" насиймидан нафас олар экан, кеча ва кундузнинг бошка соатларида хис эта олмайдиган ажиб бир лаззат, ажиб бир нашъани хис этади». Бомдод намозини жамоат билан адо этиб пайгамбар суннатига биноан намоз ўқиган жойида ёки масжиднинг бирорта деразаси олдида ўтириб эрталабки зикр-дуоларни пайгабар соллаллоху алайхи ва салламдан накл килинган суратда ўқиб ўтирган, куёш чикиб уфқда найза бўйи кўтарилгач икки ракъат ишрок намозини ўқиган киши тўла бир хаж савобига эга бўлиши билан бирга ана шу газдан хам мўл улушга эга бўлади.

Бомдод намозининг икки ракъат суннати

>

Бомдоднинг фарзидан аввал адо этиладиган икки ракъат намоз пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга севиқли амаллардандир, яъни у зоти шарифнинг муаккад суннатларидандир. У зот соллаллоху алайхи ва саллам мархамат киладилар: «**Бомдоднинг икки ракъат (суннат)и дунё ва ундаги нарсалардан кўра хайрли (яхши)рокдир**». (Имом Муслим ривоятлари) Муслимнинг яна бошка ривоятларида: «**Албатта у икки (ракъат) менга дунёнинг хаммасидан кўра махбуброкдир**». Демак, Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам наздларида дунё, ўзида мавжуд нарсалар билан биргаликда хам мана бу икки ракъат суннат намози олдида ҳеч қандай қадрга эга эмас экан. Шундай экан бомдоднинг икки ракъат фарзи қай даражада махбуб эканлигини баён қилишга тил ожизлик қилиши



Ислом Нури

шубхасиздир.

Асло дўзахга кирмагай

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: “Бомдод ва аср намозини тарк этмай ўз вақтида адо этиб юрган киши жаннатга кириб, дўзахдан йирок бўлишини”, — баён қилиб айтганларки: **«Кимки, бардайн (бомдод ва аср) намозини ўқиса, жаннатга киради»**. (Имом Бухорий ривоятлари) Яна айтганлар: **«Куёш чикмогидан аввал ва ботмогидан илгари намоз (яъни, бомдод ва аср намозини) ўқиган шахс асло дўзахга кирмагай»**. (Имом Муслим ривоятлари)

Бардайн намози бомдод ва аср намозларидир. Имом Манаавий айтади: «Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам ушбу икки намозни бошқа намозларга караганда шарафлироқ бўлгани учун, ёки бўлмаса, кеча ва кундуз фаришталари (уларни адо этилишига) шохид бўлишадиган намоз бўлгани учун, ёинки бу икки намоз нафсга малол келадиган, машаккатли, машгуллик пайтида адо этиладиган намоз бўлгани учун ҳам, мана шундай фазилатлар билан хослаб зикр қилган бўлсалар не ажаб! Зеро, кимки бу икки намозни ўз вақтида адо этишда бардавом бўлар экан, у албатта қолган намозларни ҳам, ўз вақтида эдо эта олади. Бундай шахс эса, қилган гунохлари мағфират этилиб жаннатга киритилишга, дўзахдан йирок этказилишга лойиқдир». (Файзул Кодийр)

Тонг-сахардаги куръон (яъни, бомдод намози ва ундаги тиловат этилган куръон)

Аллох Таоло айтади: **«Куёш огишидан то тун қоронгусигача намозни тўқис адо этинг ва тонгги ўқишни (бомдод**



Ислом Нури

намозини) **хам** (тўқис адо этинг)! **Зеро, тонгги ўқиш** (кеча ва кундуз фаришталари) **хозир бўладиган намоздир**». (Ал-Исро: 78)

Тонг-сахардаги куръон - тонгги ўқиш бу фаришталар хозир бўладиган бомдод намозидир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам буни баён килиб шундай деганлар: **«Сизларга кечаси ва кудузи фаришталар навбат билан келадилар. Улар бомдод ва аср намози пайтида бир-бирлари билан учрашадилар. Кейин туни билан сизлар ораларингизда бўлганлари (осмонга) чикиб кетадилар. Бас, Аллох Таоло Ўзи била туриб улардан: “Бандаларимни кай холатда тарк этдинглар”, — деб, сўрайди. Бас, улар: “Уларни намоз ўқиётган холларида тарк этдик ва уларнинг олдиларига намоз ўқишаётган холларида борган эдик”, — дейишади»**. (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Мунофикликдан покликка далолат килувчи хужжатни кўлга киритиш, жаннатга кириш хақидаги пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг башоратларига сазовор бўлиш ва Роббилари хузирида ўзлари хакларида фаришталарнинг гувоҳлик бериш шарафига нойил бўлишлари учун иссик жойларини тарк этиб, нафсларига карши курашган бундай кишилар нақадар бахтлидирлар. Ха азизлар! Тонг-сахар Аллох Таолонинг хузурида кадри жуда баланд бўлгани боис, У Буюк Зот бу вақт номи билан касамёд килган. Аллох Таоло айтади: **«Тонгга касам; (Зул-хижжа ойидаги аввалги) ўн кечага касам»**. (Вал-Фажр: 1,2)

Тонг (яъни, Тонг намози - Бомдод) бу мезондир.

Сахобайи Киром разияллоху анхумлар Бомдод номозига хозир бўлишни мезон деб эътибор килиб, кишиларни мана шу мезон билан



Ислом Нури

ўлчар эдилар. Бомдод намозига хозир бўлган кишига ишонишар (яъни, унинг иймони хакида шубха килишмас), ушбу намоздан гойиб бўлган киши хакида эса, ёмон гумонга боришарди (яъни, у мунофикикин деган ёмон гумонга боришарди). Абдуллох ибн Умар разияллоху анхумо айтадилар: «Биз кайси бир одамни Бомдод ва Хуфтон намозларида йўкотсак (яъни, Бомдад ва Хуфтонга келмаса, уни кўрмасак) у киши хакида ёмон гумон килар эдик». (Ибн Хузайманинг сахих тўплами)

Хурматли ўқувчи! Сухбатимизга кўйидаги сўзлар билан якун ясасак: «Юкоридаги сўзларимиздан хулоса олиб, уни бугунги воқеъий ҳаётимизга таккослаб кўрсак: “Жуда кўпчилигимиз Аллох Таолонинг тонг-сахарда бандаларига марҳамат этган неъматларидан махрум бўлиб қолаётганимиз”, — маълум бўлади. Хар биримиз ўзимизнинг кундалик ҳаётимизга назар ташласак ушбу неъматлардан қай даражада фойланаётганимизни билиб оламиз. Мен ибрат олиш учун хозирги кундаги кўпчилик мусулмонларимизнинг ҳаёт тарзларига ишора қилмоқчиман. Бизлар кўпчилигимиз Аллох Таоло танзимизга ором бўлиши учун марҳамат этган тунги уйқудан яхши фойдаланмай, ярим кечагача – баъзиларимиз маънисиз сухбатлашувлар ва баъзиларимиз карта, нарда, шулар каби фойдасиз ўйинлар билан машгул бўлиб, бошқаларимиз эса юзлаб канални оладиган антеннани ўрнатиб олиб тушунса тушунмаса у каналдан бу каналга олиб турли фасодларни томошаси билан ўз вақтида ухлаб ором олмаганимиз сабабли тонг пайтига борганда тош каби котиб ухлаб, тонг-сахар бомдод намозини жамоат билан адо этишга муваффақ бўла олмаяпмиз ёки бутунлай бомдод номози учун иссик ўрнимиздан тура олмай гафлат уйқусида ётмоқдамиз. Ха дўстлар бу кўпчилигимизнинг инкор этиб бўлмайдиган ҳолатимиздир. Аллох Таоло хаммаларимизга инсофи тавфик это этсин! Тонг-сахар (субхидам)даги Ўзининг ҳисобсиз



Ислом Нури

Субҳидам | 6

неъматларидан бараманд айласин!»

Ислом Нури тахририяти